

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов

Баённома № ___ 2018 йил ___ май

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

МК-314 гуруҳ талабаси

Джуманиёзов Жаҳонгирнинг

**«Кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлигини
таъминлашдаги ўрни ва роли (Самарқанд шаҳар “Famaus aero
tour” МЧЖ маълумотлари бўйича)» мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

к.ўқ. Хусанов Б.Ш.

Илмий маслаҳатчи:

проф.Ибрагимов Н.А. –

**“Ўзбекфармсаноат” акциядорлик
концерни аппарат раҳбари**

САМАРҚАНД – 2018

Мундарижа

Кириш.....	4
I Боб. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли	
1.1. Кичик бизнес субъектларини мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашдаги ўрни	8
1.2. Кичик бизнес субъектларини рақобатбардошлигини ривожлантиришда молиявий қўллаб-қувватлашни роли .	15
1.3. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш	22
II Боб. Кичик бизнес субъектларини молиявий барқарор ўсишини таъминлаш амалиёти	
2.1. Кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлаш ва баҳолаш	28
2.2. Кичик бизнес субъектларини харажатларини самарали ташкил этиш орқали уларни молиявий барқарор ривожланишини таъминлаш омиллари ...	31
2.3. Кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлашдаги омиллар	37
III Боб. Кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлаш истиқболлари	
3.1. Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятларини янада ошириш омиллари	40
3.2. Кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлашни истиқболлари	46
3.3. Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни стратегик роли	53
IV Боб. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бош	

бошқармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари		
4.1.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	58
4.2.	Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	59
4.3.	Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	64
4.4.	Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	71
	Хулоса.....	73
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75

Кириш А

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида миллий иқтисодий сиёсатда муҳим аҳамият касб этди. Зеро мазкур субъектлар режали иқтисодиёт тизимини нисбатан қисқа муддат ичида бартараф этишда таъбир жоиз бўлса, миллий иқтисодий ўсишни таъминлашда локомотив вазифасини бажарди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича ўзини тўла тўқис оқлаган “миллий ривожланиш модели” нинг асоси бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат иқтисодий ислохотларнинг дастлабки давридан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг асосини ташкил этди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 31,0 фоиздан 2012 йилда 56,4 фоизгача ошди. Уларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 11,3 фоиздан 22,2 фоизга кўтарилган бўлса, сўнгги 10 йил давомида кичик корхоналар сони 2 мартага кўпайди. Аҳолининг умумий бандлигидаги кичик бизнес улуши эса 49,7 фоиздан 75,7 фоизгача кўтарилди.

Президент Ш.Мирзиёевни сўзлари?????

Кичик бизнес тадбиркорлик субъектлар фаолиятини сўнгги йилларда жадал суръатлар билан ривожланишида улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллашиб борилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жуда катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз ислохотларни чуқурлаштириш кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт қилиш, мавжуд захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ва арзон халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқариб,

халқ турмуш фаровонлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий амалиётдан маълумки, кичик бизнес корхоналарининг йирик корхоналарга нисбатан турли молиявий, сиёсий ва экологик рискларга дуч келиш хавфи анча юқори. Шу боис, кичик корхоналарнинг молиявий барқарорликка эришишида уларни рисклардан ҳимоя қилиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш даврида кичик бизнес субъектларини инқирозий рисклардан маълум даражада ҳимоя қилишга қаратилган суғурта операциялари тўлиқ шаклланиб улгурмаган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу мавзу иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммо ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий муаммолари хорижлик иқтисодчи олимлар Д.Бланд, А.А.Гвозденко, С.Л.Ефимов, Е.В.Коньшин, Л.И.Рейтман, Д.Форесъети, ва Д.Хэмптонларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар .Ж.Р. Зайналов, С.С.Алиева, М.И.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, Ш.Б.Имомов, О.К.Иминов, З.Й.Йўлдошев, Ҳ.Н.Жамолов, Ф.И.Мирзаев, О.О.Олимжонов, Н.Х.Ҳайдаров, М.Ш.Шарифхўжаев, Х.М.Шеннаев, Ғ.Қ. Яхшибоевлар эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий барқарорлигини бошқаришнинг айрим жиҳатларини тадқиқ этишга муносиб ҳиссаларини қўшишган.

Умуман, иқтисодий адабиётда иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мустақил илмий-тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган. Ушбу илмий муаммонинг долзарблиги, илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ва иқтисодий адабиётда етарли даражада чуқур

тадқиқ этилмаганлиги сабабли, ушбу муаммо тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

БМИ илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. БМИ СамИСИ “Молия ва суғурта ғизматлари” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади – кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- кичик бизнес субъектларини тараққиётининг аҳамияти, қонуниятлари ва самарали фаолият кўрсатиш тамойилларини ўрганиш;

- кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурлиги, моҳияти, вазифалари ва ривожланиш омилларини тадқиқ этиш;

- молиявий барқарорликни таъминлашдаги омилларни бошқаришнинг самарали усулларини қўллаш юзасидан хориж тажрибаларини ўрганиш;

- кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлиги ва ижобий молиявий ҳолати мезонларини таҳлил этиш;

- кичик бизнес субъектларини фаолиятига таъсир этувчи молиявий омилларнинг таснифи ва таҳлилини ишлаб чиқиш;

- кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;

Тадқиқот объекти - республикаимиз миллий иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари ҳисобланади, шунингдек Самарқанд шаҳар “Famaus aero tour” МЧЖ ҳисобот маълумотлари ҳам танланди.

Тадқиқот предмети - Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг молиявий

барқарорлигин таъминлада содир бўлаётган молиявий-иқтисодий муносабатларидан иборат.

Тадқиқот методлари. БМИ да қиёсий таҳлил, тизимли баҳолаш, гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил қўлланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида кичик бизнес субъектларига самарали бошқариш имконини берувчи ва уларга хар томонлама комплекс илмий-услубий ёрдам кўрсатувчи умумлашган тизим ишлаб чиқилди;

- иқтисодиётнинг реал секторида барқарор иқтисодий ўсишни, кичик бизнес субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида стратегияси ишлаб чиқиш борасида амалий тавсиялар қилинди;

- кичик бизнес субъектларини бошқариш қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Илмий янгилиги:

- кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлаш, рискларни бошқаришни ўзаро уйғунлашуви, уларнинг назарий асоси ва амал қилиш қонуниятлари иқтисодий адабиётда илк бор тадқиқ қилинди;

- кичик бизнес субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлашда омиллари, уларни бошқариш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлигини назарий асослари ва омиллари бўйича тегишли амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

- кичик бизнес субъектларини фаолиятига таъсир этувчи рисклар таснифи ва таҳлилининг услубиёти бораси амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

- корхоналарда молиявий рискларни бошқариш сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, БМИнинг илмий хулосаси ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида кичик бизнес корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларни инқироз ҳолатларида олдини олиш йўллари ривожлантириш, мамлакатимизнинг кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиявий натижаларини баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга махсус бағишланган истиқболда амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишининг амалий кичик бизнес фаолиятини молиявий барқарорлигини таъминлаш ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда қуллуш мумкин.

БМИнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот ишининг натижалари ва хулосалари Самарқанд шаҳар “Famaus aero tour” МЧЖ (5.05.2018 йилдаги 5-сонли далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг матни 79 бет бўлиб, унда 7 та жадвал, 3 та диаграмма ва 2 та чизма мавжуд.

I Боб. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли

1.1. Кичик бизнес субъектларини мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашдаги ўрни


Тадбиркорлик муҳити мамлакатнинг ривожланиш асосини ташкил этади ва ишбилармон кишиларнинг фаолият мазмунини белгилаб беради.

Иқтисодий жараёнлар қанчалик унумли бўлса, жамият моддий ва маънавий жиҳатдан шунчалик юқори даражада бўлади. Иқтисодий жараёнларнинг самараси амалда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг сони ва сифати ҳамда шу фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган кишилар сони билан белгиланади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик ишига янги тадбиркорларни жалб этиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳоли яшаш даражасини яхшилашга олиб келади.

Кичик бизнес субъектларининг текширувлар сони кескин қисқартирилиши, жарима чоралари қўллашнинг суд механизми жорий этилиши, статистика ҳисоботи ва рўйхатга олиш жараёнларига бизнеснинг вақти ва молия харажатлари камайиши туфайли 2017 йилда 38,2 мингдан ортиқ кичик бизнес (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) субъект ташкил этилди ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 122,0 фоизга кўпайди. Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 50,1 фоиздан мос равишда 56,9 фоизгача ўсди.

Мазкур кичик бизнес субъектларининг энг кўп қисми саноат тармоғида (27%), Савдо соҳасида (21%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (13%) ва қурилишда тармоқ ичида (10%) ташкил этилган.

2017 йилда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолияти турлари бўйича улуши¹




Сўнгги йилларда кичик бизнесни ривожлантириш учун бозор механизмини сезиларли даражада кучайтириш бўйича энг муҳим чоралар кўриб чиқилди. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-мухитни такомиллаштириш, тадбиркорларни хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустахкамлаш, маҳаллий товар ва хизматларни ташқи бозорга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминланди ва Ўзбекистон

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси материаллари асосида таёрланган.

Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улушлари етарли даражада ошди.

2-расм

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши
(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)²**



² Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси материаллари асосида таёрланган.

Тадбиркорлик фаолият тури ўзининг қулайлиги ва кам харажатлилиги билан бу фаолиятнинг ривожланиб бориши асосида янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу эса давлатнинг аҳолини иш билан таъминлашига катта ёрдам беради.

Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш учун Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан бир қанча фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди ҳамда амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишблармонлик муҳитини яратиш қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорида:

- тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини такомиллаштириш;


- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш жараёнлари турларини қисқартириш ва соддалаштириш;

- тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун рўйхатдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг хабар қилишга оид тартибини жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан билиш мумкинки, давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига унинг ривожланишига ҳуқуқий ҳолатига улар фаолиятининг кафолатланганлигига амин бўламиз.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда солиқ соҳасидаги ислохотлар жуда муҳим ўрин тутуди 2011-2015 йилларнинг энг муҳим устувор вазифаси ва йўналиши сифатида солиқ юкини камайтириш, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга тушириш каби давлат миқёсидаги долзарб вазифани белгилаб олдилар (2-расм).

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун
белгиланган ягона солиқ ставкаси ўзгариши динамикаси³**



Янги ташкил этилган тадбиркорлик фаолияти текширувларини камайтириш, улар фаолиятидаги ҳар қандай хавфли тўсиқларни олиб ташлаш, давлат томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

**1.2. Кичик бизнес субъектларини рақобатбардошлигини
ривожлантиришда молиявий қўллаб-қувватлашни роли .**

Кичик бизнес субъектларини давлат томонидан ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августдаги 349-сонли қарори билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури»нинг қабул

³ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси материаллари асосида таёрланган.

қилиниши билан бошланган. Ушбу соҳани рағбатлантирилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи устувор омилларидан бири ҳисобланади.

3-расм

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари



Иқтисодий ўсишга эришиш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида реал иштирок этишига эришишдан иборат. Бозор иқтисодиёти тизимида бундай масалалар кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва соҳани давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш орқали ҳал этиб борилади. Давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш деганда:

- давлат тузилмалари томонидан кичик тадбиркорликнинг рақобатбардошлигини ривожлантиришни рағбатлантиришнинг асоси бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларини яратиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка моддий ҳамда молиявий ресурслар киритиш;

- хўжалик юритиш субъектларининг бозор механизмларига асосланиб республиканинг жорий ва истиқболли ривожланиш босқичларидаги ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришиш воситаси сифатида тушунилади.

Молиявий қўллаб-қувватлаш энг аввало солиқ солиш, кредитлаш, суғурталаш ва оқилona дотациялар, инвестициялашдаги имтиёзли тартиблар шаклида амалга оширилади. Бундай молиявий механизмлар яхлитлигида хусусий секторни тараққий этишини таъминлайдиган катта миқдордаги молиявий захиралар яратилади ва унинг барқарор суръатларда ривожланишини таъминлайдиган имконият юзага келади. Хусусий сектор тараққий этишини молиялаштириш масаласи унинг молиявий равнақи кафолатланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши ресурслар чекланганлиги шароитида ва корхонанинг тараққий этишида, фаолиятда иштирок этувчиларнинг даромадлари шаклланишида, келгусида корхона инфратузилмасини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришда кредитлаш муаммосини яхлит бир тизимли равишда, тижорат банклари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш лозим. Сир эмаски,

хусусий секторда ўз фаолиятини бошлаётган тадбиркор кўп ҳолларда бошланғич капитал етишмаслиги сабаб ҳам қийинчиликларга дуч келади. Банкдан кредит олиш учун кўйиладиган гаровнинг етишмаслиги яна бир муаммодир. Бундай вазиятда, қонунчиликда назарда тутилган кафилликни тўлов қобилятига эга ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, шу жумладан фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг зиммаларига олиши ёки ўз мол-мулкидан ва мулкый ҳуқуқларидан, жаҳон тажрибасида ижобий ва самарали натижасини берган, яъни тадбиркор олган кредитини тўлай олмаслик хавфини суғурталаш тўғрисидаги суғурта полисидан ҳам фойдаланиш тадбиркорга имконият яратади.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, мамлакатимиз аҳолисининг эркин ва мустақил ҳўжалик фаолияти юритишга интилиши ҳамда унинг иқтисодий манфатлари амалга оширилишига кенг йўл очиб берди. Айниқса, иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, шунингдек аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадат ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бозор шароитида миллий иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишига эришиш ва корхоналарнинг барқарор ҳолатини яхшилашда қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмидан самарали фойдаланиш, иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда иқтисодий механизмни такомиллаштиришга комплекс ёндашувни илмий асослаш ўта далзарб масаладир. Сабаби иқтисодий механизм:

- биринчидан, ҳўжалик механизмининг асосий таркибий қисмини ташкил этиб, у корхонада юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ва жараёнларга таъсир этадиган иқтисодий усуллар, шакллар ва воситаларни ўзида акс эттиради;

- иккинчидан, иқтисодий механизмнинг шакллантирилиши, маълум мақсад ва тамойиллар доирасида турли иқтисодий усуллар ҳамда технологик асосдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

- учинчидан, хўжалик юритишнинг мақсади, шакли ва усуллари иқтисодий рағбатлантириш, хўжаликнинг моддий-техник ҳамда молиявий ресурслар билан таъминотини ўзида жамлаган бир бутун тизим сифатида амал қилади.

Шу боис ҳам давлатимизнинг иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, минтакалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш сиёсати амалга оширилаётган бугунги кунда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бутун бир тизим сифатида шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини, ундаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда мазкур соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш, иқтисодиёт назарияси фани олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Зеро, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик, эркин жамиятни қуриш йўлидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳам бевосита инсоннинг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир. Бу борада Биринчи Президентимиз И.Каримов : «Шу маънода мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбағаллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар

бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим»⁴, — дея таъкидлаган эди.

Мустақиллик эришганимизга 26 йил ўтиб, жаҳон молиявий-иқтисодий глобаллашув чуқур тус олган бир шароитда бозор муносабатларининг бошқарув тизимига ўтиш бўйича биз танлаган, машҳур беш тамойилни ўз ичига олган ўзбек модели давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси тўғри танланганлигининг яна бир қарра исботи бўлди. Бинобарин, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш борасида белгиланган вазифалар фикримизнинг далилидир: «...мамлакатимиз молиявий- иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарига ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз».⁵

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар энг муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринларининг яратилиши ва бунинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилиши, кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасида 270 дан ортиқ, саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, уни ишончли ҳимоя қилиш, даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини

⁴ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 12-13-б

⁵ Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: Ўзбекистон, 2010. — 35-б.

таъминлади. Бу республикаимиз Биринчи Президентининг: «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик биз учун ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив, мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади»⁶ дея таъкидлаган фикрларининг исботидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётни яратиш, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини асоси ҳисобланувчи ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Республикаимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган, энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик

⁶ «Инсон мафаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир». Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси «2007 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишлаган мажлисидаги маърузаси /Туркистон.-2008 йил, 9 феврал. №11. 2-бет.

бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шартшароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ЯИМда ушбу соҳанинг улушини ошириб боришга, бандлик муаммосини ҳал қилишга асос бўлмоқда.

Кичик бизнес субъектларини изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз... Шу боис кичик бизнес субъектларин бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизнинг тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўзга яққол ташланиб турган афзалликлари ва катта имкониятлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин бугунги кунда Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик жадал ривожланиб бораётган бўлсада, мазкур соҳани янада ривожлантириш йўлларини аниқлаш ва устувор йўналишларини белгилаш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қанча устувор вазифалар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Яъни:

– солиқ сиёсати енгиллаштирилди ва тадбиркорларнинг молиявий юки пасайтирилди;

– мақсадли ривожланиш концепциялари ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди;

– рухсат бериш жараёнлари қисқартирилди ва тўловлар оптималлаштирилди;

– кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак бериш кучайтирилди;

– юқори ликвид ва монопол маҳсулотларни сотиб олиш учун кулайлик яратиш, хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ташкил этиш давом эттирилди.

2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7фоизга пасайтирилган бўлса, 2015-2017 йиллар давомида у 6%ни ташкил этиб келмоқда. Бу қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди. Архитектура режалаштириш топширик тўпламларини олиш қиймати 4 баробар, лойиха-смета харажатларини экспертизадан ўтказиш 2,5 баробар, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати 2 баробарга пасайтирилди. Бундай имкониятлар хўжалик субъектларининг 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағи тежалидшга олиб келди ва уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди. Биргина рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши тадбиркорлар фаоллигини оширишга имконият яратмоқда.

1.3. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг шаклланиш босқичларини бизнингча, уч гуруҳга ажратган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқич (1991 йилдан 2000 йилгача бўлган давр)да асосий бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор унинг қонунчилик базасини

1-жадвал

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
ривожланиш динамикаси⁷**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улиши (%)	2000 й.	2012 й.	2017 й.
ЯИМда	31,0	54,6	56,9
Саноатда	11,3	22,2	39,6
қурилишда	37,0	70,7	65,1
экспортда	10,2	15,8	27,0
аҳоли бандлигида	49,7	75,7	78,3

Шакиллантириш учун зарур шароитларни яратишга қаратилиб, қабул қилинган Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Солиқ кодекси ва Божхона кодекслари, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестицияларини тўғрисида”ги қонунларни ҳамда энг муҳим бир қатор бошқа қанун ҳужжатларини қайд этиш мумкин.

Иккинчи босқич (2000 йилдан 2017 йилга қадар бўлган давр)да асосий эътибор тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш юзасидан қонунчиликнинг такомиллаштиришга қаратилди. Жумладан, бу даврда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Хусусий корхона туғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Республикасининг қонунлари, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва бошқа бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Айниқса, бу босқичда тадбиркорлик соҳасидаги қонучиликнинг такомиллаштирилишида 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилингани муҳим аҳамият қасб этди.


Такомиллаштириш ислоҳотлари давом эттирилиб, биргина улар фаолиятини ривожлантиришда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2012 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни, “Оилавий тадбиркорлик тўғриси”ги қонуни ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун. “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсад бериш тартиб-тадиллари тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди. Бундан ташқари, 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республика Президенти Фармонлари эълон қилинди.

Учинчи босқич 2017 йилдан бошланиб, ушбу даврда асосий эътибор ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида қонучиликни такомиллаштиришга қаратилди. Меъёрий-ҳуқуқий базанинг йиллар давомида босқичма босқич такомиллаштирилиши натижасида умумий солиқ юки 3 мартадан зиёд камайтирилди. Шу билан бирга давлат томонидан ўз маҳсулотларини экспортга йўналтирувчи корхоналарга ҳамда инвестицияларни жалб

этувчи янги маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларига катор имтиёзлар яратилди.

1-расм

1993-2017 йилларда солиқ юки (ЯИМга нисбатан фоизда)⁸



Жумладан, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги белгиланди. 2016.йилнинг 1 апрелидан 2018 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланди. 2012 йилнинг 1

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

январидан саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5%гача туширилди.

Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида бу кучли ижтимоий кафолатларни, бозор механизмининг самарали ишлашини ва аҳоли турмуш даражасини меъёр бўйича таъминлаш ҳамда уни оширишга хизмат қилади. Ушбу ривожлониш ислоҳотларни олиб боришнит ўзига хос “ўзбек модели”даги асосий тамойилдир.

II Боб. Кичик бизнес субъектларини молиявий барқарор ўсишини таъминлаш амалиёти

2.1. Кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлаш ва баҳолаш

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йуналишларидан бири кичик бизнес субъектларини ривожлантириш орқали ижтимоий йўналтирилган миллий иқтисодиётни янада барқарорлаштиришдир. Чунки эркин бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатлар иқтисодиётининг асосини кичик бизнес ташкил этади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг дастлабки босқичида жамиятимиз пойдевори сифатида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан энг муҳим соҳага айланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг келажакдаги тараққиёти шу соҳани ривожлантиришга боғлиқ эканлиги бот-бот эътироф этилаётгани ҳам, кичик бизнес субъектлар шунингдек, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқеини эгаллаши, айти вақтда унинг ҳолати фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ҳал этишда ҳам муҳим омилга айланишига эришиш лозимдир.

Кичик бизнесни рақобатбардошлилигини таъминлаш орқали бири-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган учта вазифа белгиланган:

биринчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес субъектлари ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашда, аҳоли даромадларини оширишда энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади;

иккинчидан, айнан кичик бизнес субъектлари ҳаракатчанлиги, кам сармоя талаб қилиши жаҳонда ишлаб чиқаришни енгилроқ ва тез

модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилаш имкониятига эга экани ва шу тариқа бозор кониктурасининг ўзгарувчан талабларига яхши мослаша олиши билан эътиборлидир;

учинчидан, кичик бизнес субъектларини фаолият юритиши ривожланиши билан мамлакатимизда таянчимиз бўлмиш мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда.

Кичик бизнес субъектлари катта миқдордаги молиявий капитал талаб қилмайди ва ишлаб чиқариш фаолиятини тезда ўзгартира олади.

Бироқ, бугунги кунда кичик бизнес субъектлари тараққий этиши ва ривожланиши учун ҳам катта миқдордаги молиявий маблағлар зарурлиги сир эмас, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар жумладан, Ўзбекистонда хусусий секторнинг молиявий маблағлар билан таминлаш молиявий қўллаб-қувватлаш давр талабига айланиб бораётганлиги таъкидланмоқда. Мамлакатимизда хусусий сектор субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг чекланган имкониятлар шароитида фаолиятини молиявий маблағлар билан таминлашда қийинчиликларга учрамоқдалар ички маблағлари етарли бўлмаган хусусий сектор корхоналари эса ташқаридан молиявий ресурсларни жалб этишга мажбур бўлмоқдалар. Ушбу молиявий ресурсларни қандай шартлар асосида, қандай нархда жалб этиш хусусий секторнинг келгусида оладиган даромадига бевосита таъсир кўрсатиши сир эмас. Кичик бизнес субъектлари самарали молиялаштириш масаласи бугунги кунда молиявий раўнақини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Умуман, хусусий сектор корхоналарида самарали молиялаштириш механизми ва тизимини ташкил қилиш илмий асослаш муаммоси ҳозирги кунда энг долзарб масалалардандир. Айнан мана

шунинг учун, хусусий сектор корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш такомиллаштириш масаласи чуқур илмий англашни ва тадқиқ қилишни тақозо этади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиёт тармоқларидаги улуши, фоиз ҳисобида

	ЯИМ/ЯХМ		Саноат		Инвестиция		Аҳоли бандлиги	
	2015 йил	2016 йил	2015 йил	2016 йил	2015 йил	2016 йил	2015 йил	2016 йил
<i>I</i>	2	3	4	5	6	7	8	9
Ўзбекистон Республикаси	56,5	56,9	40,6	45	36,3	40,3	77,9	78,1
Қорқалпоғистон республикаси	64,6	57	42,1	27,5	10	15,2	74,5	74,5
Андижон вилояти	61,4	66	32	49,6	52,2	57,8	83,8	84,1
Бухоро вилояти	67,5	67,9	41,2	45,4	21,5	17	78,5	78
Жиззах вилояти	80,1	80,3	52,5	57,8	55,9	58,9	81,7	82,2
Қашқадарё вилояти	51,6	51,7	25,1	27,4	14,1	16,8	79,6	80,1
Навобий вилояти	37,1	37,6	19,4	20,5	27,4	19,6	83,3	83,6
Наманган вилояти	80,2	80,3	62	68,8	43,8	48,7	83,3	83,6
Самарқанд вилояти	77,9	78	56	62,3	61,3	64,4	84,1	84,4
Сурхондарё вилояти	75,2	75,3	39,1	44,5	49,3	52,2	80,3	80,9
Сирдарё вилояти	68,5	68,7	40,3	46	32,5	37,5	79,4	79,5
Тошкент вилояти	56,7	57,1	30,8	32,6	33,5	40,1	76,8	76,8
Фарғона вилояти	63,2	63,4	42,9	44,9	52	54,1	80,3	80,3
Хоразм вилояти	74,1	74,2	38,9	47,6	58,8	61,9	82,4	82,6
Тошкент вилояти	57	58,9	68,6	71,4	57,8	58,3	39,4	37,1

Мониторинг натижалари бўйича кичик тадбиркорлик ҳозирги шароитларга тез мослаша олган ва юқори даражада фаоллиги билан ажралиб турган Наманган, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятлар энг юқори рейтингга эга. Ялпи миллий маҳсулот, саноат, инвестиция ҳажми, аҳолига бандлигидаги улушлари бўйича бу вилоятларда кичик тадбиркорлик юқори ўсиш суръатларига эришган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2016 йилнинг январь–декабрида 31,8 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларини ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,1 фоизга кўпдир). 2016 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг ЯИМдаги улуши 56,9 фоизни ташкил қилди (2015 йилнинг январь-декабрида 56,5 фоиз). 2016 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан: -19963,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 40,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 122,9 фоизни ташкил қилди; - саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 50020,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,0 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 116,2 фоизни ташкил қилди; -10 392,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,1 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 8212,1 минг нафари якка тартибдаги тадбиркорлар, 2180,4 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши-иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом этиш: хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсқинликлар ва чекланишларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида

тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган принципни амалга ошириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш; давлат мулкни хусусийлаштириш тартиб-таомилларни янада кенгайтириш ва соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш кўзда тутилган.

Кичик бизнес ва хусусий субъектлари ривожлантириш орқали қуйидаги ижобий натижаларга эришилади;

- иш билан бандлигини таъминлашга;
- ички бозорни халқ истеъмол моллари билан тўлдиришга;
- ЯИМни оширишга;
- валюта тушумларини оширишга;
- аҳоли даромадларини оширишга;
- иқтисодий барқарорликни таъминлашга.

Кичик бизнес субъектларини барқарорликни таъминлаш ҳамда аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлар молиявий юкининг пасайтирилишини қуйидаги жиҳатларда ҳам кўришимиз мумкин:

– 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинди (29.01.2009 й. ПҚ 1051-сонли);

– 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди ва уларнинг четдан олиб келинадиган технология ускуналари (компонентлари) божхона тўловларидан озод қилинди (26.01.2009 й. ПҚ 1047-сонли).

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар 2011 йил 1 январгача:

– Четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик ускуналар (компонентлар) божхона туловларидан;

– Фойда солиғи, ягона солиқ тўловидан, ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғидан озод қилинди. (27.01.2009 й. ПҚ 1048-сонли).


Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияси ушбу соҳанинг иқтисодиётдаги роли ва соҳа йўналишидаги таркибий жиҳатлар, аввало, хусусий секторни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг аниқ чора-тадбирларига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам, иқтисодиётда кичик бизнеснинг аҳамиятига баҳо беришда унинг давлат томонидан самарали қўллаб-қувватланадиган иқтисодий механизмларининг қай даражада амал қилаётганлигига эътибор қаратилади.

Кичик бизнес субъектларини молиявий таъминоти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди. Хусусан: • кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди; • кичик бизнес субъектларидан тижорат

банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди; • имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинган эди. Маълумотларга кўра, банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2016 йилда 12,1 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1,3 баробарга, ажратилган микрокредитлар эса 2,5 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам 2015 йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсди.(5-расм)

5-расм

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар (трлн.сўм)



Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар таркибида кичик бизнесга берилган кредитларнинг улуши йилданйилга ортиб бораётгани кузатилмоқда. Хусусан, ҳисобот йилида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2015 йилга нисбатан 27,3 фоиз кўпайиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 42,7 трлн. сўмдан ортди. Шунингдек, мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган иқтисодиётни модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш жараёнларида хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини жадал ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган “2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш Дастури”да 2015- 2019 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг прогноз параметрлари тасдиқланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юзасидан қуйидаги хулосалар ҳамда мазкур субъектлар самарадорлигини таъминлаш юзасидан қуйидагиларни тавсияларни таъкидлаб ўтмоқчимиз:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар, хом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш лозим.

2. Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ва қулай бўлган ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб бериш лозим.

3. Аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан ёшларнинг ўз бизнесини бошлаши учун мақсадли кредитлар ажратиш ва уларнинг сарфини таъминлашда тизимли назоратни йўлга қўйиш лозим.

4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ресурсларини бошқариш бўйича барча муҳим қарорларни корхона молиявий ҳолатига

кандай таъсир кўрсатишини таҳлил этиш ва корхона таъсисчиларининг бундай қарорларга бўлган муносабати бўйича қараб чиқиши лозимлиги, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши кўп ҳолларда уларнинг молиявий бошқарувига боғлиқдир. Молиявий бошқарув механизмининг воситалари ва усуллари ёрдамида унинг мақсадлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини шакллантирилиши, тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланилиши амалга оширилиши зарурдир.

5. Кичик бизнес соҳасини молиялаштириш бўйича хориж тажрибаси ва миллий иктисодиётдаги хусусиятлардан келиб чиқиб, мазкур масаланинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, айниқса тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаган корхоналар учун махсус қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш ва дастурларни жорий этиш, молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, имтиёзли шартлар асосида қарз бериш каби амалиётларни қўллаш соҳанинг янада ривожланишига, кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлиги таъминланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланишида банкларнинг ўрнини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш:

- Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мини технологиялар сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш:

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва ҳужжатлар тизимини соддалаштириш
- Халқаро амалиётдан келиб чиқиб, микромолиялаш институтларини ташкил қилиш;

•Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун консалтинг хизматлари бозорини ташкил қилиш.

Шунингдек, хўжаликларни тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмининг ишлаши ҳам ушбу сектор учун, айниқса фермер хўжаликлари учун яратилган имкониятлардан бири бўлиб, бу механизмнинг афзаллик жиҳатларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

– маблағлар фермер хўжаликларига уларнинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ажратиб берилади. Бу эса, ўз навбатида, маблағларнинг муваққат ҳисоб рақамларида ишлатилмасдан қолиб кетиши ҳолларига чек қўяди;

– молиявий маблағларни мустақил ишлатиш имконининг яратилиши, олинган кредитлардан самарали фойдаланишга олиб келади. Фермер хўжаликларининг пахта хомашёси ва ғалла етиштириш харажатларининг айрим турлари бўйича тўловларга эҳдиёжи бўлмаган ҳолда, улар мазкур маблағларни технологик карталарда белгиланган бошқа харажатларга ишлатиши мумкин;

– моддий-техник ресурсларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолда, асоссиз равишда тўловларни олдиндан амалга ошириш ҳолатларига чек қўйилади, бунинг натижасида хизмат кўрсатувчи тармоқ корхоналарининг қишлоқ хўжалик корхоналари олдида катта миқдорда кредиторлик қарзлари вужудга келиши олди олинади;

– хўжаликлар томонидан кредит маблағларидан мустақил ва оқилона фойдаланилиши натижасида, уларнинг ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларни самарали ишлатишдан манфаатдорликлари ошади;

– тижорат банклари томонидан хўжаликларга ажратилган кредит маблағларининг ўз вақтида қайтарилишидаги масъулияти, ўз ўрнида, уларнинг манфаатдорлигини янада оширади.

2.2. Кичик бизнес субъектларини харажатларини самарали ташкил этиш орқали уларни молиявий барқарор ривожланишини таъминлаш омиллари

Кучли, мақсадга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини яратиш мамлакатда бозор механизмларини шакллантириш ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришишнинг омили бўлиб қолди.

Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделimiz республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъанадир, урф одатлар турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодийётни бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади. Айни чоғда бизнинг моделimiz жаҳон тажрибаси, мамлакат ва жамиятни янгилаш ҳамда ўзгартиришнинг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлар тўплаган тажрибани энг муҳим жиҳатларини ўзида мужассам этган.

Шу сабабли, Республикамиз солиқ, солиш тизимини тубдан янгилаши ва уни янада такомиллаштириб борилишидан кўзланган асосий мақсад давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишдан, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг молиявий манбасини таъминлаш ва солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш-тижорат тадбиркорлик фаолиятларини тартибга солиш орқали уларни молиявий барқарорлигини таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Ислохотларнинг айнан босқичма-босқич амалга оширилиши демократик ва бозор ислохотларини кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг ночор қатламларини муҳофаза қилиш билан уйғун олиб борилиши ижобий натижалар бермоқда.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмиши сифатини изчил оширишни таъминлашда иш ҳақининг муттасил оширилиши аҳоли истеъмол талабининг ўсишида кучли омилга айланди, бу эса

иқтисодиётимизда ишлаб чиқариш ҳажмларининг келажақда янада ошишини рағбатлантиришга хизмат қилиши зарур бўлади.

1-жадвал

Самарқанд шаҳар “Famaus aero tour” МЧЖ

корхонасининг харажатлари таҳлили

	Харажатлар моддалари	Харажатлар сумаси, сўм	
		А маҳсулот	Б маҳсулот
	Материаллар сарфланди:		
	- маҳсулот тайёрлашга	400 000	600 000
	- умумишлаб чиқариш эҳтиёжларига		50 000
	- умумхўжалик эҳтиёжи учун		10 000
	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга хом ашё сарфланди		23080
	Маҳсулот тайёрлашга бошқа корхоналарнинг бажарилган ишларнинг киймати қабул қилинди;	50 000	75 000
	Иш ҳақи ҳисобланди:		
	- асосий ишлаб чиқариш ишчиларига	100 000	150 000
	- умумишлаб чиқариш ишчиларга		60 000
	- маъмури бошқарув ходимларга		30 000
	- ёрдамчи ишлаб чиқариш ишчиларга		20 000
	Иш ҳақи фонидан (25%) ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) ҳисобланди:		
	- асосий ишлаб чиқариш ишчиларига	25 000	37 500
	- умумишлаб чиқариш ишчиларга		15 000
	- маъмурий бошқарув ходимларга		7 500
	- ёрдамчи ишлаб чиқариш ишчиларга		5 000
	Асосий воситаларга амортизация ажратмалари ҳисобланда:		
	- асосий ишлаб чиқариш	15 400	23 100
	- умумишлаб чиқариш		6 480
	- умумхўжалик фойдаланишдаги асосий		3 000
	Бошқа харажатлар сарфланди:		
	- умумишлаб ишлаб чиқариш эҳтиёжи		5 600
	- умумхўжалик эҳтиёжи учун		11 620

Асосий ишлаб чиқаришга сарфланган тўғри харажатлар жами	590 400	885 600
Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлар	48080	
Умумишлаб чиқариш харажатлар жами	137 080	
Умумхўжалик харажатлар жами	62 120	

Фикримизча Президентимиз Ш.М Мирзиёев томонидан белгилаб берилган вазифаларни ҳал этишнинг йўлларида бири бу, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов миқдорини пасайтириш ҳисобланади, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақи фонди таркибидан маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатлардан ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ)га ҳисобланадиган мажбурий ажратма миқдорини 5 фоизга камайтиришни таклиф этамиз. Мазкур таклифни қуйидаги Самарқанд шаҳар “Famaus aero tour” МЧЖ маълумотлари бўйича мисолида кўриб чиқамиз.

Корхона ҳисобот ойида асосий ишлаб чиқаришда 2 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарди (рақамлар шартли)

- 1000 дона А маҳсулот
- 500 дона Б маҳсулот.

Мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш учун корхона ёрдамчи ишлаб чиқариш ташкил этилган бўлиб, у иссиқлик энергиясини етказиб беради. Ушбу иссиқлик энергияси асосий ишлаб чиқаришда техник мақсадлар учун, ҳамда корхонанинг цехларга хизмат кўрсатиш ва маъмурий бошқарув ходимларининг биноларини исситишда фойдаланилади.

Ҳисобот ойида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари 48080 сўмни ташкил этиб, шундан ишлатилган иссиқлик энергияси қуйидагича ҳисобдан чиқарилган:

- асосий ишлаб чиқаришга – 30000 сўм;
- цехларни хизмат кўрсатишга – 15000 сўм;

- маъмурий бошқарув ходимларининг биноларини иситишдага - 3 080 сўм.

Бундан ташқари ҳисобот ойида корхона томонидан ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларни амалга оширган (1-жадвал).

Демак корхона ҳисобот ойида асосий ишлаб чиқариш ҳамма тўғри харажатлар суммаси (590 400 + 885 600) 1 476 000 сўм ташкил қилган.

Корхона ҳисобот ойида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлар суммаси 48 080 сўм ташкил қилган.

Корхона ҳисобот ойидаги ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг асосий ишлаб чиқаришга кўрсатилган хизматлар қиймати 30000 сўмни ташкил қилиб, у маҳсулот турига қараб пропорцианал равишда тўғри харажатларга қайта тақсимланган:

- А маҳсулотга - 12000 сум. ($30000:1\,476\,000 \times 590\,400$);
- Б маҳсулотга - 18 000 сўм. ($30\,000:1\,476\,000 \times 885\,600$).

Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг харажатлари ҳисобга олган ҳолда умумий ишлаб чиқариш харажатлари - 152080 сўм ($137080 + 15\,000$).

Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг харажатлари ҳисобга олган ҳолда умумхўжалик харажатлари - 65 200 сўм ($62\,120 + 3\,080$).

Шундай қилиб, корхонанинг умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларни ҳисобга олган ҳолда билвосита харажатлари ҳаммаси 65 200 сўмни ($62120 + 3080$) ташкил қилган. Билвосита харажаларни ўз навбатида маҳсулот турига қараб қайта тақсимлаб чиқилган (4- жадвал).

4-жадвал

**Самарқанд шаҳар “Famaus aero tour” МЧЖ корхонанинг
харажатлар турига кўра таҳлили**

Маҳсулот	Қайта тақсимлаш	Билвосита харажатлар
----------	-----------------	----------------------

тури	базаси		
	Тўғри харажатлар	Қайта тақсимланган фоиз	Маҳсулот турлари бўйича суммаси, сўм
А	590 400	$(590\,400 : 1\,476\,000) \times 100 = 40\%$	$(217\,280 \times 40\%) : 100\% = 86\,912$
В	885 600	$(885\,600 : 1\,476\,000) \times 100 = 60\%$	$(217\,280 \times 60\%) : 100\% = 130\,368$

Юқоридаги келтирилган маълумотлар асосида корхонанинг ҳисобот ойда ҳамма ишлаб чиқарилган А ва Б маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаймиз (5- жадвал).

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики корхона ҳисобот ойда А маҳсулот тури бўйича 689 312 сўм ва Б маҳсулот тури бўйича 1 033 968 сўм жами 1 723 280 сўмлик тайёр маҳсулотлар омборга кирим қилинган.

Ушбу тайёр маҳсулотлар корхонанинг харидорлар билан тузилган шартномасига мувофиқ 2 180 000 сўмга сотилган.

Корхонанинг ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг ҳисобланган иш ҳақларидан меҳнатга ҳақ фондидан ягона ижтимоий тўлов миқдорини 5 фоиз пасайтирилган ҳолда ҳисоблаб чиқамиз.

Демак корхонанинг ҳисобланган иш ҳақларидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов миқдорини амалдаги ставка бўйича суммаси 90 000 сўмни, маҳсулот ҳақиқий таннархига қўшиладиган ЯИТ ставкасини 5 фоиз пасайтирилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган ЯИТ суммаси 73 500 сўмни ташкил қилиб, маҳсулот таннархи эса 165 000 сўмга камайишига олиб келади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш натижасидаги корхонанинг молиявий натижаси ва ЯИТ пасайтирилган солиқ ставкаси қўллаган ҳолдаги молиявий натижаси қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики корхонанинг якуний молиявий натижаси 332 969 сўмни ташкил этган, ЯИТ пасайтирилган солиқ, ставкаси қўлланилганда маҳсулот таннарихи 16 500 сўмга камайган, бюджетга тўланадиган фойда солиғи 1 485 сўмга ошган бўлиб, соф фойда 1 5015 сўм ошганлигини кўришимиз мумкин.

5-жадвал

Самарқанд шаҳар “Famaus aero tour” МЧЖ корхонасининг таннарихининг таркиби

Харжатлар моддалари	А маҳсулот		Б маҳсулот	
	Харажатлар суммаси	Жамига нисбатан фоиз	Харажатлар суммаси	Жамига нисбатан фоиз
Сарфланган материаллар қиймати	400 000	58,0	600000	58,0
Бошқа корхоналарнинг кўрсатган хизматлар қиймати	50 000	7,4	75 000	7,3
Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг ҳисобланган иш хақлари	100 000	14,5	150 000	14,5

Ишчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ҳисобланган ЯИТ	25 000	3,6	32 500	3,2
Ҳисобланган амортизация суммалари	15 400	2,2	26 100	2,6
Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг харажатлари	12 000	1,7	18 000	1,8
Билвосита харажатлар	86 912	12,6	130 368	12,6
Жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи	689 312	100	1 033 968	100

6-жадвал

Самарқанд шаҳар “Famaus aero tour” МЧЖ корхонасининг ижтимоий
тўловини 5 фоизга камайтирилишининг таҳлили

Корхона	Ҳисобла	Амалдаги	Таклиф	Таклиф
---------	---------	----------	--------	--------

ишчи ходимлари	нган иш хақи	тартиб бўйича		этилаётган таклиф бўйича		натижалар и
		ЯИТ		ЯИТ		
		ставкас и	суммас и	ставкас и	суммас и	
Асосий ишлаб чиқаришда	250000	25	62500	20	50000	-12500
Умум ишлаб чиқаришда	60000	25	15000	20	12000	-3000
Ёрдамчи ишлаб чиқаришда	20000	25	5000	20	4000	-1000
Маъмурий бошқарувда	30000	25	7500	25	7500	-
Жами	360000	X	90000	x	73500	-16500

7-жадвал

Самарқанд шаҳар “Famaus aero tour” МЧЖ корхонасининг янги
шароитдаги тўлайдиган солиғининг ҳисоби

№	Кўрсаткичлар	Маҳсулот сотишнинг молиявий натижаси	ЯИТ	Фарқи (+;-)
			пасайтирилган солиқ ставкаси қўллаган ҳолдаги молиявий натижаси	

1	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	2 180 000	2180000	-
2	Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	1723280	1706780	-16500
3	Сотиш харажатлари	12400	12400	-
4	Маъмурий харажатлар	38000	38000	-
5	Бошқа операцион харажатлар	22400	22400	-
6	Фойда солиғи	32931	34416	-1485
7	Корхонанинг сой фойдаси	332969	347984	+15015

Демак юқоридаги мисолдан хулоса қилар эканмиз, агарда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхонанинг асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ўзгарувчан ставкаларни қўллаш натижаси биринчидан, маҳсулот таннархи камайишига; иккинчидан, маҳсулот таннархи камайиши эвазига солиққа тортиладиган база кўпайиб, бюджетга тўланадиган фойда солиғи кўпайишига; учинчидан маҳсулот таннархи камайиши уларнинг ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг кўпайишига ва уз навбатида арзонлашган маҳсулотнинг бозордаги рақобатдошлигини оширишга имкониятлари вужудга келди, десак муболаға бўлмайди.

Харажатларни қисқартириш ҳозирда молиявий барқарор ўсиш мезони бўлиб қолмоқда.

2.3. Кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлашдаги омиллар

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг энг катта камчиликларидан бири, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан етарли даражада билимга эга эмаслигидир.

Мамлакатимиздаги барча тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмини янада соддалаштириш, кредит фоизларини камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз ўз маърузасида нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

Биринчидан, экспертларнинг таҳлил ва хулосаларига кўра, жаҳон молиявий инқирозининг дунё мамлакатлари иқтисодиётига оғир таъсири тобора пасайиб боради ва эндиликда жаҳон иқтисодиётининг аста-секин ўсиши кутилади.

Иккинчидан, кейинги йилларда банк тизимида ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича қайтарилмаган кредитлар ҳажмининг ўсиши оқибатида банкротликнинг янги тўлқини хавфи вужудга келиши мумкин.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва қисқариши, ишсизлик даражасининг ўсиши ва аҳоли реал даромадларининг чекланиши солиқ тушумларининг жиддий камайиши, давлат бюджети тақчиллигининг ошишига олиб келиши ва бу жараён айрим мамлакатларда сурункали тус олиши мумкин.

Учинчидан, жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида пул маблағларининг улкан эмиссияси ҳисобидан банклар ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида банклар ва молиявий секторларнинг жуда катта миқдорда пул кредитлари билан тўлдирилиши инфляция жараёнларининг кескин кучайиб кетиш хавфини юзага келтиради.

Тўртинчидан, фонд, хомашё ва молия бозорларида катта спекулятив ўйинлар давом этаётгани, реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши, бошқача айтганда, янги молиявий «кўпиклар» хавфининг авж олаётгани яна молиявий касодларга олиб келиш хавфини туғдириши мумкин.

Бешинчидан, иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши йўлидаги энг катта муаммолар, аввало, ривожланаётган мамлакатларда, жаҳон амалиётида давом этаётган протекционизм сиёсати оқибатида вужудга келмоқда.

Олтинчидан, халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашувини камайтиришга тайёргарлик кўриш кейинги йиллардаги устувор вазифа бўлиб қолиши зарур.

Молиявий-иқтисодий соҳадаги қўллаб-қувватлаш чораларининг ҳаддан зиёд узоқ давом этиши иқтисодиётни мутаносиб ривожлантиришда мувозанатнинг бузилиши ва эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги жиддий чеклашлар каби хавфларни келтириб чиқариши мумкин .

Бир сўз билан айтганда, инқирозий шароитларда жаҳон иқтисодиёти ривожланишига оид бундай баҳо ва прогнозлардан келиб чиқадиган хулоса шундан далолат берадики, инқирознинг энг оғир босқичи ортда қолганига қарамай, ҳали-бери давом этадиган молиявий-иқтисодий инқирознинг бутун бир даврини бошдан кечиришга тўғри келади.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаб ўтган вужудга келаётган бундай шароитда мамлакатимиз банк тизими тадбиркорларни молиявий қўллаб - қувватлаш мақсадида келажакда белгиланган параметр ва кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида устувор стратегик йўналишлар сифатида қуйидагиларни белгилайди:

а) тадбиркорлик соҳасида олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш орқали мамлакатимизнинг кичик бизнес ва хусусий, оилавий тадбиркорлик тизими мавқеини янада мустаҳкамлаш;

б) халқ истеъмоли товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс банк хизматларини кўрсатиш;

в) қишлоқ жойларда жойлашган халқ истеъмоли товарлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан, пахтани қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ҳамда сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ҳамда молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

г) ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, техника ва технологияларни янгилаш, илғор хориш технологиялари ҳамда ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

д) кредит ва инвестиция портфели сифати, уларни диверсификациялаш ҳамда қайтарувчанлик даражасини ошириш орқали молиявий муассасаларнинг фойдалилиги ва самарадорлигини таъминлаш;

е) банкнинг мақбул даражадаги капиталлашуви ва ликвидлилигини унга юклатилган вазифалар ҳамда мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши учун етарли даражада сақлаб туриш;

ё) халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва мамлакат иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини шу маблағлар ҳисобидан қайта молиялаштириш;

ж) миждозларнинг талаб ва таклифлари ҳамда маҳаллий ва халқаро банкларнинг сўнгги ютуқларидан келиб чиқиб, банкда доимий инновацион фаолиятни амалга ошириш, бунда янги хизмат турларини яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

з) чет эл молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан янги имкониятларга эга бўлиш мақсадида нуфузли рейтинг компанияларидан банкка барқарор прогнозли рейтинглар олинишини таъминлаш;

к) корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш ва банкнинг иждо органининг самарали фаолият юритишини таъминлаш, банкнинг Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизимини (ИАТТ) изчил такомиллаштириб бориш, Марказий банкнинг ИАТТ билан боғланишини таъминлаш, Internet- banking ҳамда SMS-banking тизимларини жорий этишга дойр чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Шуни қайд этиш лозимки, кўриб ўтилган ҳамма муоммоларни комплекс холда ҳал этиш, Ўзбекистон молиявий муассасалари молиявий барқарор ва рақобот устинлигига эга ҳақиқий тижорат корхоналари бўлиш ёрдам беради ва келажакда Ўзбекистон молия тизимининг мамлакат равнақи ва тадбиркорлар манфаати учун курашувчи энг қудратли тизимга айланишига хизмат қилади.

III Боб. Кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлаш истиқболлари

3.1. Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятларини янада ошириш омиллари

Банк тизими томонидан 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талаблари доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунда асосий эътибор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига инвестиция мақсадлари ва бошланғич капитални шакллантириш учун кредитлар ажратишни кенгайтириш ҳамда микрокредитлаш ҳажмини ошириш орқали аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилди. Натижада 2017 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан

Шундан ажратилган микрокредитлар 4 трлн. 15 млрд. сўмни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 20,7 фоизга ўсди.

???-расм



2017 йил давомида тижорат банклари томонидан:

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 3 трлн. 582,2 млрд. сўм;

- оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни қўллаб-қувватлашга 490,3 млрд. сўм;

- аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларига 2 трлн. 782,3 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган. 2017 йил давомида хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобига кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратишни янада кенгайтириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан 414,8 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп кредит маблағлари

Шу билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан яратилган имтиёз ва қулайликлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитларини тушунтириш бўйича жойларда мунтазам равишда семинар ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Банкларнинг веб-сайт ва порталлари орқали кўрсатилаётган банк хизматлари, жумладан, кичик бизнес соҳасига ажратилаётган кредитлар, уларнинг афзалликлари, фоиз ставкалари ва бошқа тегишли маълумотлар

1-жадвал

**1992-2017 йилларда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар
ставкалари тавсифи**

Солиқ турлари	1992-2009	2012 йил	2013 йил	2017 йил
---------------	-----------	----------	----------	----------

	йилларда энг баланд солиқ ставкаси			
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	45%	9%	8%	7%
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	13%-60%	9%-22%	8%-22%	7,5%-22%
Қўшилган қиймат солиғи	30%	20%	20%	20%
Ягона ижтимоий тўлов	40%	25%	25%	25%
Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15,2%	6%(саноат да-5%)	6%(саноат да-5%)	6%(саноат да-5%)

**манба: www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, статистика ҳисоботлари бўйича 65 та шакиллар бекор қилиниб, кичик бизнес субъектлари учун умумий қисқартиришлар 1,6 мартани ташкил этди. Фармонға асосан 2013 йил 1 январдан: амалда солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган 8 та ойлик салиқ ҳисоботларини топшириш муддатлари чораклик қилиб

белгиланди; 4 та солиқ тури бўйича ҳисоботларни йиллик тақдим этиш жорий қилинди, 11 та солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобот шакллари бирлаштириш ҳисобига қисқартирилиб, 5 та ҳисобот шаклига келтирилди. 2012 йил 1 июлдан бошлаб давлат солиқ хизмати органлари томонидан талаб қилиб олинмаган бошқа турдаги 24 та ойлик ҳисобот шакллари бирлаштириш ва умумлаштириш ҳисобига бекор қилинган бўлса, 5 та солиққа оид бўлмаган маълумотномаларни топшириш муддатлари йиллик қилиб белгиланди. Лицензияланадиган фаолият турлари учун лицензиялар муддати чекланмаган ҳолда берилиши ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда ариза такроран тақдим этилган тақдирда янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортилиши тақиқланади. Лицензия ва рухсатнома характеридаги ҳужжатларни олиш учун тўланадиган йиғимлар миқдори камида икки баробарга арзонлаштирилиши белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли “Ишбилармонлик муҳитига янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада унинг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, 2012 йил 1 августдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган 22 аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинди. Жумладан, янги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартиботлари сони 6 тадан 3 тагача; янги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш учун сарфланадиган муддат 14 кунда 4 кунгача қисқартирилишига; янги корхоналарни ташкил этиш учун талаб этиладиган дастлабки харажатлар миқдори аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 27,2% идан 0% га тушириш; қурилиш учун рухсатнома олиш тартиботлари сони 25 тадан 12 тагача; электр таъминоти тизимига уланиш тартиботлари сони эса 9 тадан 5 тагача

камайтиришга эришилди. Мазкур Фарман асосида 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар: банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан “Интернет-банкнинг” тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан декларация қилиш; “бир ойна” тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқларини рўйхатга олиш тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш белгиланди.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16
июлдаги ПФ-4453-сонли "Статистик, солиқ, молиявий
ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат
бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари
тўғрисида"ги Фармонга мувофиқ амалга оширилган чора-
тадбирлар тавсифи⁹**

Т/ Р	Кўрсаткичлар	Бекор қилинган шакллар	Умумий қисқартириш	
			ҳисобот шакллари	йил давомида

⁹ 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга мувофиқ муаллиф томонидан тузилган.

		сон	сон	тақдим этиш сон
I.Статистик ҳисоботлар бўйича				
	Жами	65	1,4 марта	2,0 марта
	шу жумладан:			
1	Йирик корхоналар учун	58	1,4 марта	1,9 марта
2	Кичик бизнес субъектлари учун	7	1,6 марта	2,9 марта
II.Солиқ ҳисоботлари бўйича				
	Жами	6	1,4 марта	2,2 марта
III.Молия ҳисоботлари бўйича				
1	Йирик корхоналар учун	2	1,5 марта	1,5 марта
2	Кичик бизнес субъектлари учун	1	1,5 марта	1,5 марта
IV.Бошқа ҳисоботлар бўйича				
	Жами	50	1,7 марта	3 марта
V.Рухсат бериш тартиб-таомиллари бўйича				
	Жами	80	1,3 марта	
VI.Лицензиялаш бўйича				
	Жами	15	1,25 марта	

3.2. Кичик бизнес субъектларини молиявий барқарорлигини таъминлашни истиқболлари

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, тадбиркорлик субъектларининг молия-фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш

белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши белгиланди ҳамда уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланилиши жорий этилди. Бундан ташқари тақдим этиладиган ҳисобот тизими соддалаштирилди ва ҳисоботни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

3-жадвал

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликка янада эркинлик бериш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тавсифи

Чора-тадбирлар номи	Чора-тадбирларни амалга ошириш натижалари	Мазкур кўрсаткичлар бўйича дунёда биринчи ўнталиқка кирган давлатлар кўрсаткичлари
Мулкни рўйхатга олиш тартиботларини сонини қисқартириш	12 тадан 1 тагача	1-7 тартибот
Мулкни рўйхатга олиш учун сарфланадиган муддатни қисқартириш	78 кундан 7 кунгача	2-38 кун
Солиқ тўловлари сонини қисқартириш	41 тадан 7 тагача	3-29 тўловлар
Экспортни амалга ошириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар	6 тадан 4 тагача	3-7 ҳужжат

сонини қисқартириш		
Импортни амалга ошириш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш	11 тадан 5 тагача	3-5 ҳужжат
Шартномалар ижарасини таъминлаш бўйича суд харажатларини камайтириш	даъво қийматининг 22,2,% идан 9% игача	даъво қийматининг 8,2%-26,9% и

Сўнги йилларда амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири бу "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бўлди. Мазкур қонунга мувофиқ оилавий корхона иштирокчилари оила яшаб турган турар жойларни нотурар жойларга ўтказмасдан фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини шу жойнинг ўзидан сотишига рухсат этилди. Шунингдек, оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганда кейин уларнинг тасарруфида қолган фойда солиқ солишдан озод этилиши; ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилиниши муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш юзасидан сўнги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бериш билан бир қаторда иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

3.3. Тадбиркорлик фаолиятини молявий қўллаб-қувватлашни стратегик роли

Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яна бир механизмларидан бири, инвестициялаш жараёнидир. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодий ички инвестициялаш билан бирга чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг янги институтлари яратилди. Чет эл инвестицияларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ривожлантиришга жалб этишни рағбатлантириш механизмларини ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари хорижий капиталнинг эркин муомаласини ва хавф-хатар қафолатларини таъминлаб келмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар таркиби шуни кўрсатадики, бюджет маблағлари ҳисобига киритилган инвестициялар 2000 йилда 29,2 фоиз бўлган ва бу кўрсаткич 2010 йилда 9 фоизга, 2017 йилда 8 фоизгача пасайди. Бундай динамика марказлашмаган инвестициялар, яъни корхоналар ва аҳоли маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, кредитлар, тижорат банклари кредитлари ҳамда бошқа маблағлар асосий капиталга йуналтирилмши мунтазам ошиб борганлигини кўрсатади.

2000-2017 йилларда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг янги дастурлари қабул қилиниши натижасида иқтисодий хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёни фаоллашди. Иқтисодий тармоқлари катта миқдорда чет эл инвестициялари ва кредитлари ўзлаштирилди, бу 2000 йилга нисбатан 9,8 баробарга кўпайганлигини кўрсатади.

Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони давлат кафолатисиз ҳам хорижий инвестицияларнинг тўғридан-тўғри мамлакатимизга кириб келиш оқимини янада кўпайтиришга кенг имкониятлар яратди. Бу эса иқтисодиётимизга жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар хиссасини кўпайтирди ва ўша йилдан бошлаб республика иқтисодиётига жалб этилган инвестициянинг бу тури кескин ошди. Буни биз инвестицияларнинг ўзгариш динамикасига қараб ҳам баҳолай оламиз. Агар 2002 йилда ҳукумат кафолатлари билан иқтисодиётга 315,9 млн. АҚШ доллори ҳажмида инвестиция киритилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда жами инвестицияларнинг қарийб 75 фоизи иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналари билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар асосида жалб этилган. Демак, бу хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонда яратилган бизнес муҳитига ва корхоналар келажагига ишончи ошганидан далолат беради.

Албатта, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш кўламини кенгайтириш, мамлакатимизда тадбиркорликни, айниқса, унинг кичик бизнес шаклини янада ривожлантиришга, аҳоли бандлигини таъминлашда маълум бир омил вазифасини бажаради.

Бироқ ҳали республикаимизда яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилди деб айта олмаймиз, сабаби кичик бизнеснинг саноат соҳасидаги улуши жуда паст, ваҳоланки, асосий иш ўринлари, янги маҳсулот турлари саноат соҳасида вужудга келади. Аграр соҳа билан саноат интеграциясига тўлиқ эришмас эканмиз, аҳолининг бандлик муаммоси ва даромадларининг етарли даражасига кутарила олмаймиз. Шу боис ҳам, ҳозирда хусусий секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини комплекс такомиллаштириш масалаларини хал этиш муаммоси мавжуд.

Кичик бизнес субъектлари мураккаб иқтисодий шароитда ҳам расмий усулда, ҳам қонуний йул билан сарфлаган меҳнат воситалари ҳисобига ўзини-ўзи таъминлабгина қолмай, жамиягдаги ижтимоий-

иқтисодий-сиёсий барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшади. Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш, бу секторининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини ошириш ва шунинг баробарида, ўрта мулкдорлар қатламини шакллантиришдаги ролини оширишда давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш борасида фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш ижобий натижалар беради деб ўйлаймиз:

- кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолияти учун янада кенгроқ қулайликлар яратиш, тадбиркорлик соҳасига оид ғояларни ўрганиш илмий марказлари ташкил этиб, янги иш бошламоқчи бўлган тадбиркорларга иш бошлашда кўмаклашиш ва ҳудудда мавжуд имкониятлар ҳамда мавжуд корхоналар тўғрисида маълумот бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

– мавжуд ва янги шаклланадиган хусусий сектор фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳамда такомиллаштириш учун кенг қамровли давлат дастурларини ишлаб чиқишда корхоналарнинг салоҳиятига (рейтинг даражасига), янги технологиялар билан таъминланишига, саноат соҳасидаги ҳиссасига ва жойлашган ҳудудига қараб имтиёзлар белгилаш тизимини шакллантириш;

– кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда солиққа тортиш, кредитлаш, инвестициялаш механизмларининг ишлаш ҳолатларини янада такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Кичик бизнес субъектлари давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизми такомиллаштириб борилиши, ҳозирги мураккаб бир вазиятда, яъни дунёдаги деярли барча мамлакатлар иқтисодиётига ўта кескин таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистон учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамияти эга бўлиб келмоқда.

Хулоса

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юзасидан қуйидаги хулосалар ҳамда мазкур субъектлар самарадорлигини таъминлаш юзасидан қуйидагиларни тавсияларни таъкидлаб ўтмоқчимиз:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар, хом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш лозим.

2. Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ва қулай бўлган ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб бериш лозим.

3. Аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан ёшларнинг ўз бизнесини бошлаши учун мақсадли кредитлар ажратиш ва уларнинг сарфини таъминлашда тизимли назоратни йўлга қўйиш лозим.

4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ресурсларини бошқариш бўйича барча муҳим қарорларни корхона молиявий ҳолатига қандай таъсир кўрсатишини таҳлил этиш ва корхона таъсисчиларининг бундай қарорларга бўлган муносабати бўйича қараб чиқиши лозимлиги, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши кўп ҳолларда уларнинг молиявий бошқарувига боғлиқдир. Молиявий бошқарув механизмининг воситалари ва усуллари ёрдамида унинг мақсадлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини шакллантирилиши, тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланилиши амалга оширилиши зарурдир.

5. Кичик бизнес соҳасини молиялаштириш бўйича хориж тажрибаси ва миллий иқтисодиётдаги хусусиятлардан келиб чиқиб, мазкур масаланинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада

такомиллаштириш, айниқса тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаган корхоналар учун махсус қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш ва дастурларни жорий этиш, молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, имтиёзли шартлар асосида қарз бериш каби амалиётларни қўллаш соҳанинг янада ривожланишига, кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлиги таъминланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланишида банкларнинг ўрнини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш:

- Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мини технологиялар сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш:

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва ҳужжатлар тизимини соддалаштириш
- Халқаро амалиётдан келиб чиқиб, микромолиялаш институтларини ташкил қилиш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун консалтинг хизматлари бозорини ташкил қилиш.

Шунингдек, хўжаликларни тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмнинг ишлаши ҳам ушбу сектор учун, айниқса фермер хўжаликлари учун яратилган имкониятлардан бири бўлиб, бу механизмнинг афзаллик жиҳатларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- маблағлар фермер хўжаликларига уларнинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ажратиб берилади. Бу эса, ўз навбатида, маблағларнинг муваққат ҳисоб рақамларида ишлатилмасдан қолиб кетиши ҳолларига чек қўяди;

- молиявий маблағларни мустақил ишлатиш имконининг яратилиши, олинган кредитлардан самарали фойдаланишга олиб келади. Фермер хўжаликларининг пахта хомашёси ва ғалла етиштириш

харажатларининг айрим турлари бўйича тўловларга эҳдиёжи бўлмаган ҳолда, улар мазкур маблағларни технологик карталарда белгиланган бошқа харажатларга ишлатиши мумкин;

– моддий-техник ресурсларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолда, асоссиз равишда тўловларни олдиндан амалга ошириш ҳолатларига чек қўйилади, бунинг натижасида хизмат кўрсатувчи тармоқ корхоналарининг қишлоқ хўжалик корхоналари олдида катта миқдорда кредиторлик қарзлари вужудга келиши олди олинади;

– хўжаликлар томонидан кредит маблағларидан мустақил ва оқилона фойдаланилиши натижасида, уларнинг ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларни самарали ишлатишдан манфаатдорликлари ошади;

– тижорат банклари томонидан хўжаликларга ажратилган кредит маблағларининг ўз вақтида қайтарилишидаги масъулияти, ўз ўрнида, уларнинг манфаатдорлигини янада оширади.

Кичик бизнес субъектлари мураккаб иқтисодий шароитда ҳам расмий усулда, ҳам қонуний йул билан сарфлаган меҳнат воситалари ҳисобига ўзини-ўзи таъминлабгина қолмай, жамиягдаги ижтимоий-иқтисодий-сиёсий барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшади. Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш, бу секторининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини ошириш ва шунинг баробарида, ўрта мулкдорлар қатламини шакллантиришдаги ролини оширишда давлат томонидан қуллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш борасида фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш ижобий натижалар беради деб ўйлаймиз:

- кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолияти учун янада кенгроқ қулайликлар яратиш, тадбиркорлик соҳасига оид ғояларни ўрганиш илмий марказлари ташкил этиб, янги иш бошламоқчи бўлган тадбиркорларга иш бошлашда кўмаклашиш ва худудда мавжуд

имкониятлар ҳамда мавжуд корхоналар тўғрисида маълумот бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

– мавжуд ва янги шаклланадиган хусусий сектор фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳамда такомиллаштириш учун кенг қамровли давлат дастурларини ишлаб чиқишда корхоналарнинг салоҳиятига (рейтинг даражасига), янги технологиялар билан таъминланишига, саноат соҳасидаги ҳиссасига ва жойлашган ҳудудига қараб имтиёзлар белгилаш тизимини шакллантириш;

– кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда солиққа тортиш, кредитлаш, инвестициялаш механизмларининг ишлаш ҳолатларини янада такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Кичик бизнес субъектлари давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизми такомиллаштириб борилиши, ҳозирги мураккаб бир вазиятда, яъни дунёдаги деярли барча мамлакатлар иқтисодиётига ўта кескин таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистон учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамияти эга бўлиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 3454-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1731-сонли қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–2613-сонли Фармони
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687)
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. №12.

9. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. №12.
10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, 13-сон.
11. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курагимиз” - Т.: Ўзбекистан, 2017 йил.
12. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Zarafshon. 2017 йил 23 декабр, 157 сон.
13. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
14. Алимардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири: Монография. – Т.: ТМИ, 2003.- 233 б.
15. Алимардонов М.И. ва бошқ. Юридик шахсларни солиққа тортиш. – Т.: Чўлпон, 2013. – 296 б.
16. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
17. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
18. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
19. Вахабов А., Жўраев А., Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009.- 448 б.
20. Вахабов А., Жумаев Н. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2003. - 400 б.
21. Еременко Е. А. Специальные налоговые режимы и концепция справедливости налогообложения // Финансы. 2015. № 9. С. 76–79.
22. Еременко Е. А. Специальные налоговые режимы и концепция

- справедливости налогообложения // Финансы. 2015. № 9. С. 76–79.
23. Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
 24. Зайналов Ж.Р., Расулов З.Ж., Ахроров З.О. Корхоналар молияси. Маъруза курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2015. – 264 б.
 25. Қудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.
 26. Майбуров И.А. и др. Теория и история налогообложения. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: 2011.
 27. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т: Иқтисод ва молия, 2007, - 21 б.
 28. Миляков Н. Налоги и налогообложение: Учебник. Инфра-М, М.: 2007.- 507с.
 29. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
 30. Пансков В, Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов.-М.: МЦФЭР, 2003.-336с.
 31. Пансков В. Г. О некоторых теоретических аспектах содержания понятия «налоговая льгота» // Финансы и кредит. 2014. № 4 (580). С. 48–52.
 32. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
 33. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
 34. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: БМА, 2008. -38 б.
 35. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
 36. Тошмурадова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизмини.-Т.: Янги аср авлоди, 2002.- 128 б.

37. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.
38. Финансовые и денежно-кредитные методы регулирования экономики. Теория и практика / под ред. М. А. Абрамовой, Л. И. Гончаренко, Е. В. Маркиной. М.: Юрайт, 2014. 551 с.
39. Финансовые и денежно-кредитные методы регулирования экономики. Теория и практика / под ред. М. А. Абрамовой, Л. И. Гончаренко, Е. В. Маркиной. М.: Юрайт, 2014. 551 с.
40. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
41. Хусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
42. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
43. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013
44. Юткина Т. Налоги и налогообложение. Учебник. 2-е изд, перераб. и доп.- М.: ИНФРА-М, 2002.-576 с.
45. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти: Дарслик.–Т.: Фан ва технологиялар, 2003.–247.
46. Журнал ва газеталар:
- Бозор, пул ва кредит 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Молия 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Иқтисодиёт ва таълим 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Солиқ ва божхона хабарлари 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари.
47. Интернет сайтлари:
- [http: //www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)
- [http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

[http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)

[http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)